

# Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (5-қисм)



18:41 / 12.05.2018 3591

## **Иккинчи сабаб: такаббурлик ва ғурур.**

Такаббурлик ва ғурурнинг бир неча кўринишлари бор.

### **1. Насаб билан кибрланиш ва унинг муолажаси.**

Насаб билан кибрланиш деганда ўз насабини мақтаб, бошқаларнинг насабини ёмонлаб, пастга уриш тушунилади.

**Ривоят.** Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху айтадилар: «Бирорта одам мусулмонни таҳқирламасин».

**Насихат.** Аллоҳ таоло барчамизни Одам Ато ва Момо Ҳавво алайҳимассаломдан яратган. Тўғри, орада кимнингдир отаси яхши, яна кимнингдир бобоси ёмон ўтган. Бизнинг насабимиз тоза бўлиб, бошқанинг насаби ёмон бўлса, бу билан бизнинг ундан афзаллигимиз келиб чиқмайди. Пойдеворга қарасак, ҳаммамизнинг аслимиз бир. Агар оқибатга қарайдиган бўлсак, гўзал оқибат фақатгина тақвога боғлиқ. Кишининг насаби ёмон бўлса-ю, бироқ ўзи тақволи бўлса, у сироти мустақимдадир. Аксинча, насаби шарафли бўла туриб, Аллоҳ таолога ибодат қилишда нуқсонга йўл қўйган киши охират азобидан нажот топа олмайди. Демак,

одамларни насаби паст бўлгани учун ёмонлаш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас экан. Шайх Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

*Такаббур бувад одати жоҳилон,*

*Такаббур наёяд зи соҳибдилон.*

### **Назмий маъноси:**

*Кибр жоҳилларнинг одатидур, бас,*

*Соҳибдил зотларда ҳеч кибр бўлмас.*

**Насрий баёни:** Такаббурлик жоҳилларнинг одатидир. Соҳибдиллардан (дили тоза одамлардан) такаббурлик содир бўлмайди.

**Ҳадис.** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳажжатул вадодо шундай марҳамат қилганлар: **«Эй одамлар! Барчангизнинг Роббингиз бирдир. Арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, қоранинг қизилдан, қизилнинг қорадан тақводан бошқа нарсада ортиқлиги йўқ. Аллоҳнинг наздида энг мукаррамингиз энг тақводорингиздир».**

## **2. Ҳусну жамолга кибр қилиш ва унинг муолажаси.**

**Биринчи муолажа.** Барчанинг шаклу суратини Аллоҳ таоло яратган. Кимнидир гўзал, кимнидир хунук қилиб яратган. Бир нарса хунук бўлса, ёмон дегани эмас. Бутун оламга «Буларнинг барчаси – бамисоли Аллоҳнинг корхонаси» деб қаранг. Бу буюк корхонада эса ёмон нарса ишлаб чиқарилмайди. Сурати хунук кишига ҳақорат кўзи билан қараб, ўз суратининг чиройли эканига такаббурлик қилиш ақлли инсонга ярашмайдиган, ноўрин ишдир. Саъдий раҳимаҳуллоҳ «Каримо» номли китобида айтади:

*Такаббур зи доно бувад нописанд,*

*Ғариб ояд ин маъно аз ҳушманд.*

## **Назмий маъноси:**

*Такаббурлик қилса доно ва оқил,*

*Бошқалар санашар уни номаъқул.*

**Насрий баёни:** *Доно, олим одамнинг такаббурлик қилиши номақбулдир. Бу иш, яъни такаббурлик қилиш оқил кишидан камдан-кам содир бўлади.*

Инсон дунё ва охиратда ўзининг ташқи гўзаллиги билан эмас, балки зоҳидлиги, ибодати, эҳсон ва муруввати туфайли нажот топади. Шунинг учун инсон Аллоҳ таолонинг бирор махлуқини ташқи суратига қараб ёмон кўриб, таҳқирламаслиги ҳамда у ҳақида ёмон гап гапирмаслиги лозим.

**Иккинчи муолажа.** Одам боласи: «Барча нуқсон ва камчиликдан холи бўлган бирор киши йўқ. Ўзим ҳам барча нуқсондан пок эмасман. Шундай экан, бошқаларнинг айб ва камчиликларини баён қилишим ҳамда ўз ҳусну жамолим билан фахр қилишим менинг аҳмоқлигимдан бўлади» деб тафаккур қилиши лозим.

**Ҳадис.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Ўз айби одамларнинг айбларидан машғул қилиб қўйган кишига «тубо» (муборак) бўлсин».**

**Ҳадис.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Ўз айби бошқаларнинг айбларидан машғул қилиб қўйган кишига «тубо» (муборак) бўлсин».**

Ўз айбларига қараб, бошқалар айбидан кўз юмган кишига бу иши муборак бўлсин ёки унга жаннат дарахти насиб бўлсин.

**Учинчи муолажа.** Ҳақиқий ва ўзгармас гўзаллик тақво биландир, ташқи чирой билан эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Мусулмонлар биродардирлар. Тақводан бошқа нарсада бирингизнинг иккинчигиздан ортиқлиги йўқ».**

Шунинг учун ўз суратини гўзал, бошқаларникини хунук санаб, уларни ғийбат қилиш оқил кишиларнинг иши эмас. Чунки инсон Юсуф

алайҳиссаломдек гўзал бўлган тақдирда ҳам ўлгандан сўнг тупроққа қоришиб кетади, тупроқ уни еб ташлайди. Шоир Ғаний Кашмирий айтганидек:

*Иззати шоҳу гадо зери замин яксонаст,*

*Мекунад хок баройи ҳама кас жо холи.*

### **Назмий маъноси:**

*Шоҳу гадо иззати ер остида бир хилдир,*

*Тупроқ барча инсонга ўз бағридан жой берур.*

**Насрий баёни:** *Ер остида шоҳу гадонинг иззати бир хилдир. Тупроқ барча одамлар учун жой бўшатади.*

**Ҳикоя.** Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурига келган бир фақиҳ у кишининг кўп ибодат ва кўп жанг қилгани учун кўриниши ўзгариб кетганини кўриб, таажжубга тушди. Шунда Умар ибн Абдулазиз унга: «Эй фалончи, қабрга қўйилганимдан сўнг уч кун ўтгач, кўз қорачиқларим ўрнидан чиқиб, юзимга оққанини, лабларим тишларимдан узоқлашганини, оғзимдан йиринг чиққанини, қорним шишиб, кўкрагим кўтарилиб кетганини, бурун тешикларидан йиринг ва қуртлар чиқаётганини кўрсанг, ҳозир кўриб турганингдан ҳам таажжублироқ нарсани кўрасан», дедилар.

**Ҳикоя.** Муҳаллаб ибн Абу Суфра Ҳажжожнинг аскарларига бош экан. Бир куни у Мутарриф ибн Абдуллоҳнинг олдидан ипак матодан кўйлак кийган ҳолда керилиб ўтиб қолибди. Мутарриф унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу юриш Аллоҳ ва Унинг Расули ёмон кўрадиган юриш-ку», дебди. Муҳаллаб ғурур билан: «Сен мени танимайсанми?» дебди. Мутарриф: «Танийман. Аввалинг бир томчи ифлос сув, охиринг сассиқ ўлимтиксан. Шу иккисининг орасида эса нажосатни кўтариб юрасан», дебди. Шундан сўнг Муҳаллаб бундай юришини тарк қилган экан.

Низомий айтган экан:

*Чу кори колбад гирад табоҳий,*

*На дарвеший бакор ояд, на шоҳий.*

**Назмий маъноси:**

*Жасадга етганда хароблик, ҳечлик,*

*На шоҳлик иш берар ва на дарвешлик.*

**Насрий баёни:** *Жасадга хароблик етган пайтда на дарвешлик бакор келади, на шоҳлик.*

«Маснавий»да ҳам айтилади:

*Ҳадди худ бишносу бар боло мапар,*

*То наяфти дар нишиби шўру шар.*

**Назмий маъноси:**

*Ўз ҳаддингни бил, юқори учмагил,*

*То бало-офат жарига тушмагил.*

**Насрий баёни:** *Ўз ҳаддингни бил, баландга учма, шунда фитна-ю фасод чуқурига тушиб кетмайсан.*

**Насихат.** Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Кунда ўзининг нажосатини бир-икки марта қўли билан ювиб, сўнг самоларнинг Жабборига қарши чиқадиган Одам боласига ажабланаман».

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов